


**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ» кафедраси**

**«ЕР МОНИТОРИНГИ» фани**

**“ШАҲАР ХУДУДИДА ЕР МОНИТОРИНГИНИ  
ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ”**



**Тошкент – 2018**

# МАВЗУ: ШАҲАР ХУДУДИДА ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

## *Режа:*

- 1. Ўзбекистон Республикаси шаҳарлар ер фондининг таркиби.*
- 2. Шаҳар ҳудудида ер мониторингини ўтказиш мақсади ва вазифалари.*
- 3. Шаҳар ерлари мониторингини ўтказиш тартиби.*
- 4. Шаҳар ерлари мониторинги ўтказиш услублари*

Аҳолининг сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари Шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасига мувофиқ қуйидаги турларга бўлинади:

**Энг йурик** – аҳолининг сони бир миллиондан ортиқ;

**йурик** – аҳолининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача;

**катта** – аҳолининг сони юз мингдан икки юз эллик мингача;

**ўрта** – аҳолининг сони эллик мингдан юз мингача;

**кичик** – аҳолининг сони эллик мингача.

Аҳолининг сонига кўра қишлоқ аҳоли пунктлари қуйидагиларга ажратилади:

**йурик** – аҳолининг сони беш мингдан ортиқ;

**катта** – аҳолининг сони уч мингдан беш мингача;

**ўрта** – аҳолининг сони бир мингдан уч мингача;

**кичик** – аҳолининг сони минг кишигача.

## Аҳоли пунктлари ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар		Кўп йиллик дарахтзор- лар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		Жами қишлоқ хўжалик ерлари		Томорка ерлар	Ўрмонзорлар		Боғдорчилик- узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларини нг ерлари		Бутазорлар	Бошқа ерлар
		жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан: суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани		жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	36,6	5,7							5,2		5,2		11,7						19,7
2	Андижон	11,9	4,6											6,7	0,2	0,2				5
3	Бухоро	7,8	0,7			0,1	0,1					0,1	0,1	1,3						6,4
4	Жиззах	10,3	2,1	0,1						0,4		0,5		3	0,1	0,1				6,7
5	Қашқадарё	11,5	4	0,4	0,4	0,2	0,2			0,3		0,9	0,6	5	0,3	0,2	0,2	0,2		5,1
6	Навоний	15,6	0,6							4,2		4,2		1,1						10,3
7	Наманган	19,4	7,9	0,2	0,2	0,5	0,5			0,1		0,8	0,7	9,1						9,5
8	Самарқанд	19,7	4,7			0,2	0,2			0,8		1	0,2	6,4	0,2		0,1	0,1		12
9	Сурхондарё	10,5	2,4			0,1	0,1					0,1	0,1	3,3						7,1
10	Сирдарё	8,1	2,1											1,9	0,8	0,8	0,1	0,1		5,3
11	Тошкент	37,8	6,5	0,2	0,2					1,3		1,5	0,2	7,8	0,8	0,3	0,1	0,1		27,6
12	Фарғона	16,7	4,2	0,1	0,1							0,1	0,1	6,7	0,3	0,3	0,1	0,1		9,5
13	Хоразм	6,4	1,5											2,3	0,1	0,1				4
14	Тошкент ш.	8,5	4,1											7,2						1,3
	<b>Жами:</b>	<b>220,8</b>	<b>51,1</b>	<b>1</b>	<b>0,9</b>	<b>1,1</b>	<b>1,1</b>			<b>12,3</b>		<b>14,4</b>	<b>2,0</b>	<b>73,5</b>	<b>2,8</b>	<b>2,0</b>	<b>0,6</b>	<b>0,6</b>		<b>129,5</b>

## *Шаҳар ҳудудида ер мониторингини ўтказиш мақсади ва вазифалари*

Шаҳар ерлари мониторингида шаҳар ерлари баҳоси ва экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилиш мақсадида шаҳар муҳитидаги табиий ва антропоген жараёнлар устидан мунтазам кузатишлар олиб борилади.

Шаҳар муҳитида мониторингни юритишда таҳлил талаб этувчи жараёнларга, ерларнинг сифат ва баҳо қийматларига ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир этувчи йўналишларга эга ҳар қандай ўзгаришлар киради.

Кузатиладиган ҳудуднинг ўлчовидан келиб чиқиб, мониторингнинг ҳар хил даражаси белгиланади.

### **Тошкент шаҳрида –**

**ҳудудий**, шаҳар миқёсидаги (шаҳар ҳудуди доирасидаги майдонларни қамраб олувчи ва маъмурий – ҳудудий бўлинмалар чегарасида ажратиладиган ерларда)

**Локал-маҳаллий** (ҳар бир эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ҳудуд маъмурий-ҳудудий чегарасида олиб бориладиган) мониторинглар амалга оширилади.

### **Кичик шаҳарларда**

**локал - маҳаллий** (шаҳар чегарасидаги майдонларни қамраб олган)

**локал-мукаммал** (алоҳида ер участкалари чегарасида) мониторингларга бўлинади.

# *Шаҳар ерлари мониторингини ўтказиш тартиби.*

Салбий жараёнлар тахлили қуйидагиларни баҳолаш мобайнида амалга оширилади:

а) шаҳар ерлари ва муҳитига таъсир кўрсатувчи омилларни (атмосферага чиқадиган моддалар, оқава сувларни ташлаб қўйиш, қурилиш ишлари ва бошқалар);

б) шаҳар ерлари ва муҳити ҳолатларининг ўзгаришларини (атмосферанинг, сув объектларининг, ердан фойдаланиш чегараларининг ва бошқаларнинг ифлосланиш даражаси);

в) таъсир этиш оқибатларини (иморат ва иншоотларнинг емирилишига учраши, аҳоли ҳаракатланишида йўқотилган вақт йиғиндиси, аҳоли соғлиги ҳолати ва ҳоказо);

г) табиий компонент ва мажмуаларнинг инсон фаолияти омилида таъсирига турғунлигини (атмосфера, тупроқ, сув ва бошқаларнинг ўз-ўзини тозалаш қобилияти);

Салбий жараёнларни тахлил этиш асосида бу жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилишга қаратилган қарши тадбирлари ишлаб чиқилади.

Салбий жараёнларни комплекс баҳолаш уч кўринишда тўла ва мукамал баҳолаш асосида шаклланади:

- *иқтисодий*;
- *ижтимоий (антропо экологик)*;
- *экологик*.

Шаҳар муҳитида салбий жараёнларнинг ривожланиш сабабларига кўра улар тўрт гуруҳга бўлиниши мумкин:

- *табiiй*;
- *табiiй – техноген*;
- *техноген*;
- *ижтимоий*.



**Салбий жараёнлар оқибатлари характеридан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги тўртта гуруҳга бирлашувчи алоҳида турларини кўриб чиқилиши лозим:**

**а) шаҳар ерларининг ҳуқуқий режимларини бузувчи жараёнлар (ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўзбошимчалик билан қурилишлар қилиш ва ҳоказо):**

**б) шаҳар ерлари архитектура - қурилиш ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (ерларнинг ҳолатига салбий таъсир этувчи, мавжуд меъёрий талабларни бузган ҳолда носамарадор равишда ҳудудларни ташкил қилиш, объектларни қуриш ва фойдаланиш ва бошқалар);**

**в) шаҳар ерлари муҳандислик - қурилиш ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (ички ва ташқи муҳандислик–геологик жараёнлар: емирилиш - ўпирилиш ҳолатлар, чўкишлар, кўтарилиб қалқишлар, сув босишлар, ботқоқпанишлар ва бошқалар);**

**г) шаҳар ерлари экологик ва санитар-гигеник ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (ўсимлик қопламларини йўқ қилиш, ерларни турли зарарли моддалар билан ифлосланиши ва заҳарланиши, турли маиший чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши);**

**д) шаҳар ерлари тупроқ қоплами ҳолатига салбий таъсир этувчи жараёнлар (унумдор қатламнинг бузилиши, тупроқ эрозияси, тупроқ профилининг ишкорланиши ва бошқалар натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиши).**

Мониторинг натижаси сифат ва миқдорий параметрлар ва кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Масалан: қурилишларнинг зичлиги ва кўп қаватлилиги, муҳандислик тармоқларининг тавсифи, емирилиш - ўпирилиш жараёнларнинг содир бўлиш эҳтимоли, хавfli кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва биологик заҳарли моддалар билан заҳарланиши ва ҳ.к..

Бу параметр ва кўрсаткичлардан кейинчалик ерларни жабҳалар бўйича ва экологик баҳолашда фойдаланилади.

Шаҳар ерлари мониторинги натижаларини картографик акс эттиришда етарли даражада осон ўқиладиган 1:2000 – 1:10000 ўлчамлар қатори асосий ҳисобланади.

***Шаҳар ерларидан самарали фойдаланиш деганда***, мураккаб ижтимоий тизим ҳисобланган шаҳар манфаатларига мос равишда ерлардан фойдаланиш тушунилади. Булар: турли шаҳар туманларининг ўзига хос ҳолати ва ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда шаҳар ерларида ҳар хил объектларни самарали жойлаштириш, шунингдек ердан фойдаланишда умумшаҳар ва маҳаллий манфаатларни уйғунлаширишдир.

Шаҳар ерларидан самарали фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичи сифатида инсон истиқомат қиладиган атроф - муҳитнинг меъёрий сифатини сақлаб қолиш шарти билан майдон бирлигида ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятидан олинадиган ялпи даромад миқдорини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Шаҳар ерларидан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги кўринишларда баҳоланади:**

- ер (ерларга тўловларнинг максимал суммаси);**
- шаҳар қурилиши (шаҳар кўп тармоқли мажмуалари моддий базасини ривожлантиришнинг ҳудудий масофавий шароитларини яратиш);**
- табиатни муҳофаза қилиш (қимматли табиат ландшафтларини тўлик сақлаб қолиш ва экологик мувозанатни таъминлаш).**

**Шаҳар ерларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезони умумтизимий (ерлардан фойдаланишнинг шаҳар манфаатларига мос келишини тавсифлайди) ва локал (муайян майдонлардан фойдаланишнинг улар учун белгиланган мақсадларга мослиги даражасини тавсифлайди) гуруҳларга бўлинади.**

**Ерлардан фойдаланиш самарадорлиги улардан фойдаланишни комплекс баҳолаш асосида аниқланади.**

**Шаҳар ерлари мониторингида асосий ҳужжат сифатида функционал зоналарга бўлиш ва муайян ҳудуддан фойдаланишнинг тасдиқланган лойиҳаси қабул қилинади.**

**Ер участкаларидан амалий фойдаланишнинг шаҳар ривожланиши Бош планига мослигини баҳолаш шаҳар ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг мезони ҳисобланади.**

**Шаҳар ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:**

**а) ташландиқ ерларни аниқлаш;**

**б) бош планда шаҳар қурилиш объектлари учун режалаштирилган ер участкаларини молиялаштирилмаганлиги сабабли вақтинча ўзлаштирилмай қолганлигини ҳисобга олиш;**

**в) ноқулай ерларни (жарлар, сув ювиб кетган ерлар, кўчкилар ва ҳоказолар) ҳисобга олиш;**

**г) ифлосланган ерларни ҳисобга олиш;**

**д) самарасиз фойдаланиладиган ерларни (саноат зоналари, тегишли мақсадларда фойдаланилмайдиган ва ҳоказолар) ҳисобга олиш;**

**е) шаҳардан чиқаришга таъллуқли корхоналар ерларини ҳисобга олиш.**

***Маъруза  
тугади!***